



СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

и.ф.д. **Нормурзаев Умид Холмурзаевич**
Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция

ORCID: 0009-0001-0130-8766

Umid.Normurzaev@soliq.uz

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатда солиқ соҳаларида тадбиркорлик фбаолиятини юритиш учун қуладай шарт-шароитлар яратиш, бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларни тақомиллаштиришда ҳудудлараро солиқ инспекциясини ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида амалга оширилаётган айrim муҳим ислоҳотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуllар ва воситалар, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ

д.э.н. **Нормурзаев Умид Холмурзаевич**
Проверка крупных налогоплательщиков

Аннотация. В данной статье описаны роль и значение межрегиональной налоговой инспекции в совершенствовании масштабных реформ, направленных на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговой сфере в стране, а также дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. При этом были изучены некоторые важные реформы, реализованные в налоговой системе Узбекистана, разработан зарубежный опыт, научно-практические выводы и предложения по его применению в нашей стране.

Ключевые слова: налоговая политика, налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

ANALYSIS OF THE RESULTS OF TAX POLICY

DSc **Normurzaev Umid Kholmurzaevich**
Inspection of large taxpayers

Abstract. This article describes the role and importance of interregional tax inspection in the improvement of large-scale reforms aimed at creating favorable conditions for conducting business activities in the tax sphere in the country, and further strengthening the confidence of business circles. At the same time, some important reforms implemented in the tax system of Uzbekistan were studied, and foreign experience, scientific-practical conclusions, and suggestions on its application in our country were developed.

Keywords: tax policy, tax revenue, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, analysis, optimization, tax benefits, tax rate.

Кириш.

Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ. Солиқ тизимидағи ислоҳотлар мамлакатнинг иқтисодий манзарасини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундан ташқари, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ тўловчиларга аудит ва солиқ назоратини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини тўлиқ бажариш, назорат функцияларини тармоқлар бўйича тузилмалаш, қоидаларга биргаликда риоя этиш тамойилини амалга ошириш, солиқ тўлашдан бўйин товлашни тўхтатишининг самарали механизмини ишлаб чиқиши масалаларининг долзарблиги уларнинг етарлича назарий ва норматив жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва замонавий иқтисодий шароитда юқори амалий аҳамияти бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Федоров (2010) фикрича, “маъмурий юкни камайтирадиган ва йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантирадиган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этган, амалдаги солиқ имтиёзларини сезиларли даражада кенгайтирадиган ва тўлдирадиган ҳамда ўз инвестиция манбаларини кўпайтирадиган йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш усуллари ва услубларини ишлаб чиққан, уларнинг самарадорлигини баҳолаган”.

Камалнев (2009) йирик солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиқка тортиш амалиётини бевосита газ тармоғи корхоналари мисолида таҳлил қилган бўлиб, йирик солиқ тўловчиларининг солиқ маъмуриятчилиги натижаларига баҳо берган, минтақалараро солиқ хизмати органларининг назорат фаолияти ҳам миқдорий ҳам сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилган”.

Майбуров (2007) “солиқ ислоҳоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди.

Ситникованинг (2012) фикрича, “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишда активларини тан олиш ёки маҳсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан олдин корхонанинг заарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”.

Дементьев (1689) солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгалиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди”.

Карп (2001) Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-

5468-сонли Фармони билан мамлакатда солиқ ислоҳотларининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан (i) адолатли, (ii) шаффоф ва (iii) узоққа мўлжалланган (iv) халқаро андозаларга жавоб бера оладиган солиқ тизимини яратишга қаратилган солиқ ислоҳотлари иқтисодий, хуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳамда солиқ тўловчилар учун қулай ва манфаатли эканлигини кўрсатди. 2017 йилга қадар амалда бўлган 13 та солиқ ва 5 та мажбурий тўловлар ўрнига солиқлар сони 9 тагача қисқартирилди. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи бекор қилиниши ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали тадбиркорлик субъектлари молиявий натижадорликка эришиши рағбатлантирилди. Иқтисодиётга солиқ юкини адолатли тақсимлаш ҳамда ҚҚС занжири узлуксизлигини таъминлаш мақсадида товар айланмаси 1 млрд.сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҚҚС тўлаши белгиланди ва солиқ ставкаси 20 фоиздан бугунги кундаги 12 фоизга қадар туширилди. Солиштириш учун: Европа давлатлари Швецияда даромад солиғи ставкаси 56,9%, Англияда 20-45%, Данияда 55,6%, Испанияда 45%, ҚҚС ставкаси Дания, Норвегия, Швецияда — 25 %, Финляндияда — 24%, Венгрияда — 27 %, Россия, Беларусь ва Украинада — 20 %.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогностдан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир. 2018 йилда юридик шахслар 436,1 минг ва жисмоний шахслар сони 6406,0 мингтани ташкил қилган. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгashi давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тутатилди.

Жисмоний шахслар даромад солиғининг энг юқори ставкаси 23 фоиз бўлган прогрессив шкала ўрнига ягона 12 фоизлик ставкаси белгиланиши ва тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизгacha туширилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки қарийб икки баравар камайтирилди. Шунингдек, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини бекор қилиди.

Солиқ юкини кескин пасайтириш мақсадида:

Тадбиркорларга оғир юқ бўлиб келган Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилинди. Натижада 7 мингга яқин корхона ҳар йили ўртacha 6 трлн сўм миқдоридаги солиқ тўлашдан озод бўлди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини, бино ва иншоотлардан, шу жумладан илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун оширилган ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда, 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилди ва йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун оборотдан (тушумдан) солиқни 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлаш имконияти белгиланди. 2019 йилда юридик шахслар 440,4 минг ва жисмоний шахслар сони 7350,0 мингтани ташкил қилган. Илгор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солиқ тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгacha пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар ихтиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди. Дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадларни тўлаш манбаидан олинадиган даромад солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди.

Шунингдек, 2019 йил август ойидан бошлаб Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси ўз фаолиятини бошлади, бу бугунги кунда

замонавий даражадаги инспекция намунаси ҳисобланади. "my.soliq.uz" ДСҚ порталида 45 та давлат хизматлари тақдим этилади. Жорий йил бошидан буён бир қатор электрон хизматлар ишга туширилди. Хусусан:

"Ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш" (922,5 минг кўчмас мулк ижара шартномаларини электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш);

"Электрон ҳисобварап-фактуралар" (880,3 минг электрон кўринишида рўйхатга олинган ҳисоб-фактуралар);

"ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиш".

2019 йил бошидан буён my.soliq.uz портали орқали келиб тушган сўровлар сони 440,6 миллионни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоизга кўп. Бундан ташқари, солиқ солиш соҳасидаги 16 та электрон давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари my.gov.uz порталида тақдим этилган. Солиқ органларининг солиқ тўловчининг солиқ қарзини дебиторларидан ундириш тартиби бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ПҚ-4555-сонли мамлакатда бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган.

2020 йил солиқ тушумлари прогнози 99,6 трлн.сўм миқдорида тасдиқланган. Шу билан бирга, давлат бюджетига 103,6 трлн.сўмни ташкил этди.

Бунда, 2020 йилги солиқ тушумларининг ўтган даврларга нисбатан ижобий ўсишини ҳам таъкидлаш жоиз, жумладан:

2019 йил - 83,3 трлн.сўм ёки 124% ўсиш,

2018 йил - 54,2 трлн.сўм ёки 184% ўсиш,

2017 йил - 37,7 трлн.сўм ёки 264% ўсиш.

2020 йил мобайнида Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси томонидан солиқ низолари бўйича 231 та шикоят аризаси кўриб чиқилди.

"Солиқ-Сервис" давлат унитар корхонасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2020 йил давомида солиқ тўловчиларга 1128569 дан ортиқ хизматлар кўрсатилди. Солиқ маъмурчилиги масалалари бўйича маҳсус "Call-марказ" хизмати томонидан 24/7 режимида амалдаги солиқ қонунчилигини қўллашга доир 463055 та мурожаатлар бўйича тушунтиришлар берилди.

Солиқлар ва солиқ режимларини унификациялаш, солиқ юкини оптималлаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 2020 йил 1 январдан бошлаб янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга кирди. Солиқ тўловчи — юридик шахс ёки якка тартиbdаги тадбиркор унга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб, қўлланилган молиявий жарималар миқдорининг 50 фоизини ўн кун давомида ихтиёрий равишда тўлагандан, уни жарима суммасининг қолган қисмини тўлашдан озод этиш бўйича молиявий жарималарни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этилди.

2021 йил солиқ тушумлари прогнози 112,7 трлн.сўм миқдорида тасдиқланган. Шу билан бирга, давлат бюджетига 127,9 трлн.сўмни ташкил этди. 2021 йилда юридик шахслар 498,9 минг, ЯТТлар 376,9 минг ва ўзини-ўзи банд қилганлар сони 1210,8 мингтани ташкил қилган.

Ўзбекистондаги фойдаланувчиларга электрон шаклдаги хизмат кўрсатувчи Google, Apple, Samsung, Huawei, Facebook, Яндекс каби 51 та трансмиллий компаниялар Ўзбекистондаги фаолиятларн бўйича солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди. Улар томонидан 2021 йил давомида давлат бюджетига 22,5 млрд.сўм солиқлар тўланди.

Ўзини ўзи банд қилган шахс ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, 2021 йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари ҳажмида ижтимоий солиқ


тўлайди. Шунга кўра, меҳнат стажи ёзилади ва пенсия ҳисобланади. “Солиқчи - кўмакчи” платформаси амалиётга жорий этилиб, унга тадбиркорларга кўмаклашувчи 14 та интерактив хизматлар жойлаштирилди. 14,8 минг нафар солиқ тўловчиларга мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш тартиби юзасидан тушунтириш берилди. Янги очилган 12,4 мингта тадбиркорлик субъектларининг фаолият туридан келиб чиқиб, оптимал солиқ режимини танлашда ёрдам берилди.

“Хуфиёна иқтисодиёт” улушкини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишида “таҳлика-таҳлил” тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ аудити ўтказилишига мораторий эълон қилинди. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш хуқуқи берилди.

2022 йилда юридик шахслар 541,5 мингтага етди. Расмий банд бўлган ходимлар сони 2018 йилдаги 3,9 млн нафардан 2022 йил якунлари бўйича 5,1 млн нафарга ошди (130 фоизга кўпайди). Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий тарзда берилган енгилликлар ва имтиёзлар натижасида уларнинг ихтиёрида 2017-2021 йилларда 119,5 трлн.сўм, 2022 йилда 72,9 трлн.сўм маблағ қолди (республиканинг 2017 йилдаги солиқ тушумлари даромадидан 2 бараварга кўп). 2022 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари 148,5 трлн.сўмни (ЯИМга нисбатан 16,7 %) ташкил этган, бу 2021 йилга қараганда 16 фоизга кўп. 2021 йил даромадлар 128,0 трлн.сўмни ёки ЯИМга нисбатан 17,4 фоизни ташкил этган.

Умумбелгиланган солиқларни тўловчилар сони 2018 йилдаги 7,6 мингдан 2023 йилда 178 мингга етди (23 баравар ошди). Юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчи корхоналар сони 2018 йилдаги 9,2 мингтадан 2023 йилда 77,3 мингтага етди (8,4 баравар ошди). Мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилди. Туристик зоналарга масус солиқ режими жорий этилиб, айланмадан олинадиган солиқ 1 % белгиланди.

2017-2023 йилларда солиқ тизимидағи кенг кўламли ислоҳотлар ЯИМнинг барқарор ўсишини 3,4 бараварга (314,5 дан 1 068 трлн.сўмга) ва солиқларнинг 4,4 бараварга (37,7 дан 165,9 трлн.сўмга) ошишини рағбатлантирувчи омил бўлди.



1-расм. Макрокўрсаткичларнинг ўсиши ва солиқ юки динамикаси

Манба: Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бюджетнинг асосий қисми тўғридан-тўғри солиқлар ҳисобидан шакллантирилади, бу эса иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва солиқ тизимининг янада самарали фаолият юритаётганидан далолат беради.

Солиқларнинг ЯИМдаги улуши 12 дан 17,3 фоизгача ўзгарди, бунда солиқ юкининг энг юқори чўққиси пандемиянинг салбий таъсири даврига тўғри келади ва 2022 йилдан бошлаб унинг улуши 2023 йилда 15,5 фоизгача пасайди (1-расмга қаранг). Сўнгги йилларда солиқ тушумлари таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди, 2023 йил якуни бўйича 2017 йилга нисбатан тўғридан-тўғри солиқ тушумлари 8 бараварга (8,8 трлн.сўмдан 70,7 трлн.сўмгача) ўсиши билан бирга уларнинг ЯИМдаги улуши 3,8 фоиз пунктга ўсиши (ЯИМга нисбатан 2,8 дан 6,6 фоизгача).

Бундан ташқари, тўғри солиқлар инфляция даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, тушумлар динамикаси эса улар билан бевосита боғлиқ эмас – фойда солиғи ва даромад солиғи бўйича даромадлар солиқ солиш обьектлари динамикаси ва белгиланган ставкаларнинг характеристидан келиб чиққан ҳолда инфляция даражасидан орқада қолиши ёки ошиши мумкин.



2-расм. Солиқ гурухлари бўйича солиқ юкининг таркиби динамикаси

Манба: Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 2,8 бараварга (18,2 трлн.сўмдан 51,5 трлн.сўмга) ошган ҳолда уларнинг улуши ЯИМнинг 5,7 фоизидан 4,8 фоизигача - 0,9 фоиз пунктга камайди. Ресурс солиқлари ва тўловларининг роли ортиб, тушумлар 4 бараварга (6,9 трлн.сўмдан 28,1 трлн.сўмгача), ЯИМдаги улуши эса 2,2 фоиздан 2,6 фоизгача - 0,5 фоиз пунктга ошиди (2-расм). Қайд этиш жоизки, ислоҳотлар доирасида ҚҚС ставкаси (Қонун, 2022) босқичма-босқич 20 фоиздан 15 фоизга ва кейинчалик 12% гача туширилди.

Солиқ маъмурчилиги самарадорлигини баҳолаш. Солиқ маъмурчилиги самарадорлигини баҳолаш усулларидан бири бу “солиқнинг эластиклик коэффициенти” бўлиб, у белгиловчи иқтисодий кўрсаткич (ЯИМ) бир пунктга ўзгарганда солиқ тушумларининг ўзгаришини кўрсатади. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун бугунги кунда иқтисодиётнинг реал секторида мақбул солиқ юкини шакллантириш муаммоси яққол кўриниб турибди, бу эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб, бизнес

ҳамжамиятига мос келган, шу билан бирга давлат улардан солиқлар йифилувчанлигини зарур даражада таъминланган бўлар эди.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясига (Фармон, 2023) кўра, рақамлаштириш тизими самарасини ошириш ва кенгайтириш орқали солиқ маъмурчилиги тизимининг самарадорлигини янада ошириш, шунингдек солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш, соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш, расмий сектор - нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши учун барча зарур шароитларни таъминлаш мақсадлари илгари сурилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш республикамизда солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ва ҳудудлари ўртасида муносиб тақсимлаш, солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Солиқ тўловчилар учун солиқ солишининг умумбелгиланган тартиби ва маҳсус солиқ режимлари амал қилиб, Солиқ кодексининг 17-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари 9 та солиқ ва 3 та йифимларни тўлайди.

Маҳсус солиқ режимлари айrim солиқларни тўлашдан озод этишни, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллашни назарда тутиши мумкин. Айланмадан олинадиган солиқни солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 1 млрд. сўмдан ошмаган юридик шахслар, шунингдек, даромади 100 млн. сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган ЯТТ ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. Солиқнинг базавий ставкаси 4% қилиб белгиланган. Жами даромади 500 млн. сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун бир йиллик солиқ ставкаси 25 млн.сўм, 500 млн. сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар учун 34,0 млн.сўм миқдорида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг айrim ҳудудларида фойда солиғи 1 фоиз миқдорида белгиланади. Мамлакатимизда барча тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишлари лозим. Тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишни бошлашдан олдин онлайн-НКМ ёки виртуал кассани солиқ органларидан рўйхатдан ўтказилади. Бунда, Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган виртуал касса дастурий маҳсулотининг асос қисми (базаси) тадбиркорлик субъектларига бепул берилади. Унда маҳсулотларни кирим қилиш, касса чекини шакллантириш, фискал модул билан интеграция қилиш, чекларни онлайн режимда операторга юбориш, З-ҳисботни шакллантириш, фойдаланувчиларни бошқариш, оффлайн режимида ишлаш, товарлар номенклатурасини юритиш, умумий ҳисботларни шакллантириш имкониятлари мавжуд бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан Давлат реестрига киритилган онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассалар мустақил сотиб олинади. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса рўйхатдан ўтказилганлиги учун тўлов ундирилмайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2024 йил 1 май ҳолатига муомаладаги банк карталари сони 2023 йилнинг шу даври билан солиширилганда, 30,3 фоизга ошиб, 48,8 млн донани ташкил қилди (37 491,5 донага нисбатан). Лаҳзали тўловлар тизими доирасида 2024 йилнинг январь-апрель ойларида қабул қилинган тўловлар ҳажми 1,6 баробар ошиб, 187,3 трлн.сўм (ўсиш 1,2 баравар) миқдорида 11 607,9 минг донани ташкил этди.

Яратилган имкониятлар (имтиёз ва преференция) алоҳида шароитларда бериладиган ва вақтинчалик солиқ имтиёзлари Солиқ кодексида белгиланиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан солиқ тўловчиларга вақтинчалик имтиёзлар берилиши, шунингдек, айrim тоифадаги туманларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзлари белгиланиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон Фармони республика туман ва шаҳарлари 5 та тоифага ажратилди. Ушбу Фармон билан

2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар солиқ солишининг қуидаги табақалаштирилган тартиби жорий этилган:

а) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно):

фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз;

юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиги бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоиз;

б) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган ЯТТ ЖШ ДС қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади;

в) 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари учун

айланмадан олинадиган солиқнинг базавий солиқ ставкаси 3 фоиз этиб белгиланади. Бунда, қонунчилиқда назарда тутилган ҳолларда мазкур солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари сақлаб қолинади;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига 4-тоифадаги туманлар бўйича:

юридик шахсларнинг мол-мулкива ер солиги бўйича Солиқ кодекси билан белгиланган энг кам қийматларга 0,3 гача;

ЯТТ учун қатъий белгиланган миқдордаги ЖШДС бўйича 0,5 гача камайтирувчи коэффициент киритиш ҳуқуқи берилади. 2024 йил 1 марта бошлаб «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти томонидан умумий белгиланган шартлар ва қоидалар доирасида 4 ва 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ва асосий ставканинг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитлари бўйича асосий ставканинг 40 фоизигача миқдорида компенсация тақдим этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 359-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.06.2020 йилдаги 359-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги “Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги 471-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6307-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, соҳани рақамлаштириш орқали солиқ органларини замонавий хизмат кўрсатувчи идорага трансформация қилиш ишлари тизимли давом эттирилмоқда.

Жумладан, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатадиган “Soliq” мобил иловаси доимий равишда такомиллаштирилиб, (2022 ва 2023 йилларда мобил иловалар орасида йил бренди ғолиби деб эътироф этилган) интерактив хизмат турлари 56 тага ва фойданалувчилар сони охирги 2 йилда 3 бараварга ошиб, 7,8 млн.тага етди. Энг оммабоп хизматлар сифатида харидлар учун кешбэк, ўзини ўзи банд қилиш, солиқ ҳамкор, солиқларни тўлаш, ота-онам солиқларини тўлаш, қуёшли хонадон, ижтимоий кешбэк, иш ҳақи маълумотлари ва ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш хизматларини кўрсатиш мумкин. Солиқ маъмурчилигини таъминлаш ва яширин иқтисодиётни

жиловлашга қаратилган 72 та янги дастурий маҳсулотлар ишга туширилди. "Марказий маълумотлар базаси", "Ташқи манба", электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн чек, рақамли маркировка, "Солиқ хавфини аниқлаш ва баҳолаш", Маҳсулотлар ягона электрон миллий каталоги, "e-iжара", "e-imtiyoz", "Солиқ текширувлари", "Автокамерал", "ҚҚСни қайтариш", "Солиқ декларацияларини юбориш", "Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти", "ДСБ маъмурчилиги", "Электрон юк хати" ва бошқа ахборот тизимлари. Идораларо ҳамкорлик доирасида ўзаро электрон ахборот алмашиш йўлга қўйилган вазирлик ва ташкилотлар сони 60 тага, интеграция йўналишлари сони 238 тага етказилди.

Энг фундаментал ўзгариш, солиқ органлари тадбиркорлар елкасидан солиқларни ҳисоблашни олиб, ҳисоблаб берилган ер, мол-мулк солиқлари тўлиқ ва ҚҚС бўйича 88 фоизи ҳамда айланмадан олинадиган солиқдан 81,3 фоизи тадбиркорлар томонидан тузатишларсиз топширилган. "Автокамерал" АТ орқали ҳисботларда аниқланган тафовутлар бўйича 34,1 трлн.сўмга ихтиёрий равишда қайта ҳисботлар тақдим этилди, тадбиркорларга нисбатан 13,0 трлн.сўмлик молиявий жарималар қўлланилишининг олди олинди ҳамда бюджетта 7,8 трлн.сўмлик қўшимча солиқлар ҳисобланди.

Юқоридаги янги инструментлар жорий этилгач солиқ ҳисботларида кўрсатилган товар айланмалари 2,8 бараварга (656,9 трлн.сўмдан 1827,9 трлн.сўмга) ошди, ўзини ўзи иш билан банд қилган фуқаролар сони 3,8 млн.тага (1,7 млн.таси шу йилда) етди, биргина ижара шарномаларини рўйхатга олиш ҳисобига 1,2 трлн.сўм қўшимча солиқ ҳисобланди ва чек талаб қилган фаол фуқароларга 2,5 трлн.сўмлик (437 млрд.сўми шу йилда) 1 фоиз кэшбек суммалари тўланиб, даромад олиши рағбатлантирилди. Провардида, солиқ ислоҳотлари доирасида асосий ставкалар кескин пасайтирилишига қарамасдан, бюджетта тушумлар 2016 йилдаги 31,4 трлн.сўмдан 2023 йилда 165,9 трлн.сўмга етиб, 5,3 бараварга ошди. Ўзбекистонда солиқ ислоҳотлари доирасида соҳани рақамлаштириш тажрибаси 2024 йил 28–29 февраль кунлари Тошкент шаҳрида XVI "Ірак уо'ли" солиқ Форуми ва 28–30 май кунлари Халқаро валюта жамғармаси Кавказ, Марказий Осиё ва Мўғулистан минтақаларида салоҳиятни ошириш маркази билан ҳамкорликда "Солиқ маъмуриятчилиги: Рақамли асрда солиқ қонунчилигига риоя қилинишини яхшилаш" мавзусида Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро семинарларда бошқа давлатлардан келиб ўрганилди.

Жорий йилда тадбиркорлар куни байрами олдидан сунъий интеллект асосида 24/7 режимида ишлайдиган "ДаврОн" виртуал ёрдамчиси ва "Солиқ бизнес" хизмати жорий қилиниб, тадбиркорлик субъектларнинг фаолиятига оид маълумотларни онлайн равишда корхона раҳбари ва бухгалтерлар билан бир пайтда таъсисчилар, бизнес ҳамкорлар ва бошқа ишончли шахслар кузатиб бориш имконияти яратилди. Аҳамиятлиси, солиқ маъмурчилигини рақамлаштиришда асосий эътибор фискал назоратдан ташқари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлигини сақлаш ва соҳаларни "соя"дан чиқаришда фойдаланиш мумкин йўналишларга ҳам қаратилмоқда. Масалан, "ОНКТ дашборд" комплекси ёрдамида мамлакатдаги дори воситалари бозорини тўлиқ назорат қилиш, жумладан дори воситалари сотилиш динамикаси, қайси касалликларга нисбатан қаерда кўп дори воситаларига талаб ортаётганига қараб ҳудудларда қайси турдаги касалликлар тарқалгани, дори воситаларининг маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларга тегишли эканлиги каби ўта муҳим ахборотлардан фойдаланиб, касалликларнинг олдини олиш, соғлом рақобатни ривожлантириш ва бошқа йўналишларда тезкор қарор қабул қилиш имконияти мавжуд.

Хусусан, жорий йилнинг 20 август ҳолатига аҳоли томонидан умумий қиймати 11,9 трлн.сўмга teng дори воситалари сотиб олиниб, унинг 2,6 трлн.сўми (23%) маҳаллий ва 9,3 трлн.сўми (77%) хорижий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келган. Аҳоли жон бошига Республикада ўртача 324 минг сўмлик дори воситаларига маблағ сарфланган (базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) билан таққосланмоқда) бўлса, бу кўрсаткич Тошкент

шахрида 1,1 млн.сўмни, Бухорода 433 минг сўм ва Самарқандда вилоятида 390 минг сўмдан иборат, Сурхондарёда 180,5 минг сўмни, Қашқадарёда 188 минг сўмни ва Қорақалпоғистонда 186,2 минг сўмни ташкил этган. Яна бир долзарб ижтимоий йўналишлардан, республиканинг исталган ҳудудида асосий 10 та истеъмол маҳсулотлари (гўшт, ёғ, ун, гуруч, шакар, картошка, пиёз) нархини ойлайн режимида кузатиб бориш имконияти яратилган.

Хулоса ва таклифлар.

1. Ижобий синовдан ўтган халқаро тажрибага асосланган ҳолда 2025 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич Солиқ кодексининг 169-моддаси талаблари асосида солиқ мониторинги инструментидан йирик солиқ тўловчилар фаолиятида кенг фойдаланиш. Бунда солиқ мониторингига тушган йирик солиқ тўловчиларда солиқ текширувлари ўтказилмайди.

2. Назорат қилинадиган ташқи савдо битимлари доирасида трансферт нархнинг белгиланиши натижасида олинмаган даромад ёки оширилган харажат суммасини фойда солиғининг базасига олиб боришга қўшимча равишда дивидендга ҳам тенглаштириш керак.

3. Солиқ органлари томонидан ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёки ҳужжатда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда юридик шахслардан олинадиган ер солиғини белгиланган солиқ ставкаларининг 10 баравари миқдорида ҳисоблаш тартибини жорий қилиш лозим.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Дементьев Н.М. (1689) налоговая политика государства.
https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID.

Камалнев Тимур Шамильевич. (2009) Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва.

Карп М.В. (2001) Налоговый менеджмент: Учебник для вузов. – М.: Юнити-дана, – 39 с.

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон Фармони ва 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Майбуров И.А. (2007) Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова.-М.: юнити-дана, -655 с.

Ситникова Ольга Владимировна. (2012) Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.

Федоров Андрей Николаевич. (2010) Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Нижний Новгород.

Юнак Алексей Алевтинович (2009). Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва. с.12.